

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗА ПАВВАРИШИ ҚИЗГИН

БУКА, «Бўка» совхозининг деҳқонлари бу йил 3020 гектар майдонда ўза кўчатлари ўстиришди. Зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашаётган бўлаклар кундан-кунга техникадан самарали фойдаланишмоқда. 60 та трактор култиватори унумли ишламоқда. Механизаторлар мусобақа байрогини кенг қўлоқ ёйдириб, ҳар бир қатордаги кўчани меҳр билан парвариш қилишди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева бошлиқ звенонинг ҳам режаси катта. 65 гектар эрининг ҳар гектаридан паланди 24 ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» етиштиришга бел боғлашди.

Ўзани парвариш қилишда шахсан Мария Ковалеванинг ўзи намуна бўлмоқда. У култиваторларнинг иш органиларини моҳирлик билан бошқариб, ўсимлик илдизларини зарарлангичлардан ҳаракат қилмоқда.



ЧИНОЗ. Райондаги Карл Маркс номидаги кўшма қишлоқдаги деҳқонлар томонидан ўза кўчатлари парвариш қилинмоқда. Суратда: илгори механизатор Ҳусан Алимов. У ўзи раҳбарлик қилган звенода қатор оралирига ишлов беришни уюшқонлик билан давом эттирмоқда.

20-ПИЛ
ЧИКИШИ

№ 100 (4816).

24

МАЙ

ПАЙШАНБА

1973 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МОҲИР ПИЛЛАКОР

Онаҳон оғани колхозчилар моҳир пиллакор сифатида ҳурмат қилинади. У кўп йилдан бери колхозда фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Шу билан бирга ҳар йили ипак қўти боқиб, юқори кўртакчиларга эришяпти. Ўтган ҳужайра йилида колхоз пиллакорлари давлатга паланди 11300 ўрнига 13200 килограмм «қумуш тола» топишди, йиллик пилани 118 процент адо этишганди. Бунга О. Ҳусанов муносиб ҳисса қўшди. У бир қўти пилла қўти уруғидан 100 килограммдан «қумуш тола» етиштириш иштиёқида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Моҳир пиллакор ипак қўтларини юқори агротехника қондалари асосида парвариш қилияпти. Тут баргидан тездаб-тергаб фойдаланишмоқда. Онаҳон оғани парваришдаги қўтларнинг шу кунларда ривож қўзлаган маррани ағаллашдан далолат бермоқда.

Ҳужайрада Онаҳон оғани Ҳусановнинг сафдошлари кўпайиб кетди. Мамлакат Нурматов, Зейнон Худойбердиев, Саломат Ҳошимовлар шулар жумласидандир. Ўлар ҳар қўти қўти уруғидан 80—100 килограммдан «қумуш тола» етиштириш иштиёқида астойдил меҳнат қилишмоқда.

А. ҲАЙДАРОВ.
Бекобод район, Держинский номидаги колхоз.

МУДДАТИДАН

ИЛГАРИ

Бешйилликнинг ҳал қилувчи йилида Ўзбекистон тошга ишлов бериш мажбуриятини коллективнинг меҳнатиди муваффақиятлари қувончли бўлмоқда. Шу тўғрисида маҳсулот реализация қилиш беш йиллик пилани мўддатидан 36 кун илгари бажарилиди. Меҳнатсеварлар томонидан шу кунга қадар 1 миллион 362 минг сумлик маҳсулот реализация қилинган.

Ф. НУРМАТОВ,
Бўстонлиқ райони.

ПИЛЛА- ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ПИЛЛА ТОПИШИНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ
ЙИЛ 23 МАЙГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Пилла пиллатан процент ҳисобидан)

Биринчи сўт — бир кунда топирилган, иккинчи сўт — мавсум бошидан бери.

Калинин	12,6	26,0
Ормонқиз	11,9	24,7
Оқдўғон	6,3	10,8
Янгиёул	5,3	8,8
Чиноз	7,2	7,2
Бекобод	4,8	6,2
Пилла	4,3	4,3
Бўна	2,7	3,2
Ўрта Чирчиқ	3,1	3,1
Оқангарон	—	—
Бўстонлиқ	—	—
Юқори Чирчиқ	—	—
Область бўйича	5,6	9,5

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ САМОЛЕТ БОРТИДАН ЧССР ВА ПХР РАҲБАРЛАРИГА ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Германия Федератив Республикасида Ватанга қайтиб келадиган самолёт бортидан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусак, ЧССР президенти Л. Свобода, ЧССР ҳукумати раиси Л. Штругалга телеграм-

ма юборди. Телеграммаларда бундай дейилди: «Ватанга қайта туриб Социалистик Чехословакия территориясини устидан учиб ўтар эканмиз сиз, азиз дўстлар, бутун Чехословакия халқига қардошларча коммунистик салом йўллаймиз ва социализм ҳақида тинчлик иш учун курашда янги-янги катта муваффақиятлар тилаймиз».

Ўртоқ Л. И. Брежнев Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Терекка, ПХР давлат Кенгаши раиси Г. Яблонскийга, ПХР Министрлар Советининг раиси П. Ярошевскага телеграмма юбориб, унда социалистик Польшанинг раҳбарлари ва барча гражд-

данларига дўстона салом ва энг яхши истаклар билдирди. Л. И. Брежнев Еуропада коммунизм ва тинчлик йоллари тантанаси йўлида СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасида қардошларча иттифок мустаҳкамланади, деб ишонч билдирди. (ТАСС).

МАКТУБ ВА ҚУТЛОВЛАР УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

БОНН. 22 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев жўнаб кетиши олдидан матбуот, радио ва телевидение орқали ГФР гражданиларига мактуб билан мурожаат қилди. Мактубда айтилганича, Федератив Республикада бўлиш чоғида турли жамиятлар, ташки-

лотлар ва айрим граждандардан мамлакатимиз шаънига яхши истаклар айтилган кўндан-кўп табрикномалар келди. «Турли шаҳарлар, саноат корхоналари ва бошқа хил корхоналар, қишлоқ хўжалик фермалари, маданий муассасаларга боришимни тақдир этувчи анчагина хатлар олдим, — дейилди мактубда. — Рўй бераёт-

ган воқеалар ва келажак истиқболларнинг моҳияти устидан беш қўтирувчи ҳар қандай ишнинг тўқилганлигидан турли хил мавзуларда суҳбатлашув учун мамлакатимизнинг айрим граждандаридан учрашувга таклиф этган хатлар ҳам келди. Ҳамма хатлар ва тақдирларга янавоқ қайтариш имкониятига эга бўлмагандигидан, —

деб ёзди Л. И. Брежнев, — ГФР граждандарига, бунга диққат-этибор қилган ва мамлакатимизга дўстлик ҳис-туйғуларини изҳор этган барча граждандарга мактубот, радио ва телевидение орқали самимий миннатдорчилик билдиришни ҳоҳлашим. Ўларга, шунингдек ГФРнинг барча халқига тинчлик ва бахт-саодат тилаймиз».

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ АФГОНИСТОНДА БЎЛИШИ

КОБУЛ. 22 май. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний бугун пошхоннинг шаҳардан ташқарида қароргоҳи Қарамаида Афғонистон подшоҳи Муҳаммад Зоҳир Шох ва маълиқа Умайра билан учрашди. Дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Шу кун Чилисувун саройида Афғонистондаги дипломатия

ваколатхоналари бошлиқлари Н. В. Подгорний хузурида бўлишди.

КОБУЛ. 23 май. (ТАСС). Бугун СССРнинг Афғонистондаги элчиси А. М. Пузанов Афғонистон подшоҳи Муҳаммад Зоҳир Шохнинг тақдирини буюртмаси билан расмий дўстона визит билан бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний хузурида бўлишди.

диумининг раиси Н. В. Подгорний шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Совет томонидан Н. В. Подгорний ва унинг ҳамроҳлари, СССРнинг Афғонистондаги элчихонаси ходимлари, совет мутахассислари ҳозир бўлишди. Афғонистон томонидан маршал Шох Вали, Афғонистон Бош вазири Мусо

Шафий, Афғонистон парламент палаталарининг раислари Муҳаммад Умар Вардак ва Абдуллоҳ Давий, министрлар, афғон-совет дўстлик жамияти раиси Муҳаммад Асқар, мамлакатнинг жамоат ва сиёсий арбоблари, Қобулдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари иштирок этишди.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

СОВЕТ-АФГОНИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

КОБУЛ. 22 май. (ТАСС). Бугун Дилмушо саройида СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний билан Афғонистон подшоҳи Муҳаммад Зоҳир Шох ўртасида музокара-лар бўлиб ўтди.

Икки томонлама муносабат масалалари ҳақида халқаро вазирият ақшар проблемалари дўстлик ва ҳамкорликнинг вазиятида музокара қилинди. Музокаралар чоғида турли соҳаларда Совет-Афғонистон ҳамкорлиги юксак даражага эришганлигини маъмурий изҳор этилди ҳамда томонлар шу ҳамкорликни доимо ҳар томонлама ривожлантириш вазиятида эътибор қилишди. Ташқи сиёсий проблемалар қўриб чиқилганда, жумладан Осиёда, шунингдек дунёнинг бошқа районларида халқаро вазирият ақшар муносабатлари масалаларида алоҳида эътибор берилди.

Совет томонидан — СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. М. Ки-

личев, СССР Министрлар Совети давлат ташқи ишларининг алоқалар комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР Ташқи ишлар министрлигининг ўринбосари С. П. Козлов, СССР Мудофара министрлигининг ўринбосари армия генерали И. Г. Павловский, СССРнинг Афғонистондаги элчиси А. М. Пузанов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимининг мудири В. И. Мияни;

Афғонистон томонидан: бош вазири Муҳаммад Мусо Шафий, подшо саройи министри Али Муҳаммад, миллий муҳофаза министри армия генерали Хон Муҳаммад, планлаштириш министри Абдул Воҳид Сўробий, қўриқчи ишлари ва саноат министри Г. Д. Азизий, қишлоқ хўжалиги ва ирригация министри Абдул Вақил, Афғонистоннинг СССРдаги элчиси М. Ориф, ташқи ишлар министрлиги умумий сиёсий департаментининг бош директори Абдул Воҳид Карим ва бошқа расмий ишлар қатнашдилар.

МАВРИТАНИЯ ХАЛҚ ПАРТИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ВИЗИТИ

КПСС Марказий Комитетининг тақдирини буюртмаси билан Мавритания Халқ партияси Миллий Сийос Бюроси доимий комитетининг аъзоси МХП секретари Аҳмад Бни Амар бошчилигидаги Мавритания Халқ партия делегацияси 13 майдан 22 майгача Совет Иттифоқида бўлди.

МХП вакиллари визит чоғида КПССнинг фаолияти ва совет халқининг ҳаёти билан танишдилар. Делегация аъзолари

КПСС Марказий Ревизия комиссиясида ва КПСС Марказий Комитети бўлимларида суҳбатлашдилар, мамлакат бўйлаб сафар қилдилар. Делегация Ўзбекистонда бўлган чоғида уш КПСС Марказий Комитети Сийос Бюроси аъзолари кандидати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қабул қилди.

Мавританиядан келган меҳмонлар 22 майда юртига жўнаб кетишди.

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон пойтахт алоқаси ва Тошкент меҳнатнашлари билан Болгария Халқ Республикаси Хасковски округи ҳамда Югославия Федератив Социалистик Республикасининг Скопье шаҳри ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилган. Ўлар ўртасида ўзаро муносабат, хўжалик ва маданий қўриқлашга ютуқлар юзасидан тақриб ал-машум социалистик ҳамдўстлик мамлакат халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳамкорлигини ривожлантиришга, дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Яқинда область партия комитетида Болгария Халқ Республикасининг Хасковски округи ва Югославиянинг Скопье шаҳри билан дўстлик алоқала-

рини янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳофаза қилган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашга шаҳар ва район партия комитетларининг секретари, шаҳар иқтисодиёт комитетлари раисларининг ўринбосарлари, касабасоюзлари област комитетларининг раислари, совет-болгар дўстлик жамиятининг коллектив аъзоси бўлган корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг секретари тақдир қилинди.

Кенгашда область партия комитетининг секретари В. А. Абдуразақов докла қилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Э. А. Рустамов қатнашди.



КАЛИНИН районидagi Охунбобоев номидаги колхозда эртаги сабзавот ҳосилини топириш давом этаётган. Колхозчилар зиммага оширилган мажбурият олган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Ҳар гектар ердан 30 тоннадан эртаги парам, 15 тоннадан картошка ҳосили топириш учун курашаётган бригадалар жуда кўп. Суратда: илгори бригад бошлиғи Р. Пулатов шахарликларга жўнатиётган қарамни кўздан кечирмоқда.

Қ. Розиков фотоси, (ЎзТАГ).

ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН

Жонажон Ватанимиз ташкил топган ўша дастлабки кунлардаёқ улут доҳийи В. И. Ленин тинчлик тўғрисидаги Декретга имзо чеккан эди. Совет ҳокимияти йиллардан тинчлик ва фаровонлик учун кураш бизнинг доимий шioriимизга айланиб қолди.

Тинчлик ва тараққиётга ният етсин! Шу тинчлик тўғрисида турмушимиз фаровон, ҳаётимиз гулгул! КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг Германия Федератив Республикасида қилган визити ва у ерда олиб бориладиган музокара ва тинчлик иш учун қўйилган муносиб ҳисса бўлди. Бонда қўшма Баёот ва Витимлар имзоланди.

Биз маориф ходимлари ана шу ҳужжатларни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Партия ва ҳукуматимизнинг ер юзидан тинчликни сақлаш йўлида олиб бораётган оқилона ва изчил тадбирларини қизғин қўллаб-қувватлаймиз.

Еш авлодини ўқитиш ва тарбиялашдек иш халқ маорифи ходимлари зиммасига ишониб топириб қўйилган. Ўғил ва қизларимиз ешдан қувонч ва бахтиёр ўсверсинлар. Биз педагоглар уларга пухта билим бериб, камолат сари етаклайверамиз.

Ер юзидан тинчлик барқарор бўлсин!

Р. ОТАҚУЛОВ,
Ўрта Чирчиқ районидagi 3-мактабнинг директори.

Ю. ОРИҚОВ,
Писент районидagi 15-мактабнинг директори.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ШАРАФИГА НОНУШТА ЗИЁФАТ

КОБУЛ. 22 май. (ТАСС). Афғонистон Бош вазири ва ташқи ишлар министри Муҳаммад Мусо Шафий бугун СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний шарафига нонушта зиёфат берди. Зиёфатда Н. В. Подгорнийга

ҳамроҳ бўлиб келган расмий ишлар ҳозир бўлишди.

Афғонистон томонидан парламент палаталарининг раислари, министрлар ва парламент депутатлари бўлишди.

М. М. Шафий билан Н. В. Подгорний қадаҳ кўтариб дўстона нутқ сўзладилар.

фирмаси сотиб олган совет вертолетини «КА-26» га ҳам қизиқ
қилиш катта. Кейстон—ТАСС фотоси.

